

Вашингтон Ирвинг



08:00 / 20.10.2022 5633

Америкалик тарихчи Вашингтон Ирвинг ёзади: «Муҳаммад (алайҳиссалом) эришган ҳарбий ютуқлар у зотда ҳеч қандай такаббурлик ва ғурурни пайдо қилмаган эди. У зот урушни Ислом тараққиёти учун олиб борган, шахсий манфаат сабабидан эмас.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) муваффақиятнинг энг чўққисида турган вақтларида ҳам ўз камтарлиги ва тавозесини сақлаб қолган. У зот саҳобаларининг олдига борганида, улар ўринларидан туриб кутиб олишларига ёки ортиқча такаллуф қилишларига асло йўл қўймаз эди.

Муҳаммад алайҳис саломнинг мақсади буюк давлат барпо этиш бўлган бўлса, шубҳасиз, Ислом ана шундай давлат бўлди. У зот давлатни амалда адолат ила бошқарди. У зот ҳукуматни ўз оила аҳлларига мерос қилиб қолдириш ҳақида ҳеч қачон ўйлаган эмас».